

Пайғамбар хонадонидан намуналар

Муаллиф: Холид ибн Абдурахмон
Таржимон: Неъматжон Адҳамжон ўғли

Бисмиллаҳир Роҳманир Роҳийм

Сўз боши

Аллоҳ таолога ҳамду санолар, Пайғамбаримиз Муҳаммадга, аҳли байтларига ва асҳобларига ҳамда қиёматгача уларга чиройли суратда эргашганларга Аллоҳнинг салоту саломлари бўлсин.

Биродаримиз Холид ибн Абдуррахмон Шойиънинг «Оилавий ҳаёт» деб номланган китоби эр-хотинлик мавзусида жуда фойдали ва нозик дид билан ёзилган деб ўйлайман.

Бу китобда Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам ҳидоятларидан узоқ бўлиш ҳамда хотинлар билан муомала қилишни билмаслик оқибатида вужудга келадиган муаммолар хусусида сўз боради. Шунингдек, Набий соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг аёллари ва қизлари билан қилган муомалалари, аёллар тарафидан содир бўлаётган номаъқул ҳатти ҳаракатлар, никоҳ тўйлари каби маросимларни шариатга мувофиқ хурсандчилик билан ўтказиш лозимлиги, аёллар тарбиясига қаттиқ эътибор бериш, қизларнинг отаси устидаги ҳаққи, кўпхотинлик ҳамда уларнинг орасида адолат, тақсимот ишлари ва эр хотин ўртасида содир бўлган мушкулотларни қандай бартараф этиш хусусида сўз боради.

Дарҳақиқат, бу рисола Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам ҳаётидан ёрқин суратни бизларга тақдим қилади-ки, бу билан кўп хонадонлардаги оилалар ҳаёти мустаҳкамланади.

Пайғамбаримизга Аллоҳнинг саловот ва саломлари бўлсин.

Солиҳ ибн Ғоним Ас-Садлан

Тирикликда ҳам вафот этгандан кейин ҳам эр-хотинлик ҳақларига риоя қилиш

Оиша розияллоҳу анҳодан: «Мен Набий соллаллоҳу алайҳи ва саллам аёллари ичида Хадижа розияллоҳу анҳога — гарчи у кишини кўрмаган бўлсам ҳам — рашк қилганимчалик биронтасига рашк қилмаганман. Чунки Набий соллаллоҳу алайҳи ва саллам уни кўп эслардилар. Агар қўй сўйсалар, уни бўлакларга бўлар, сўнг Хадижанинг дугоналарига ҳам жўнатар эдилар.

Бир куни мен Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламга “Гўё дунёда Хадижадан бошқа аёл йўқдай!”- деган эдим, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Ҳа, (дунёда) Хадижадек аёл бўлмаган! У жуда ажойиб эди. Ундан фарзандларим ҳам бор»,- дедилар. (Бухорий ривояти)

Ҳадисдан олинадиган сабоқлар

1) Ҳадисда Набий соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг олийжаноб ҳислатлари, гўзал сифатлари, ҳалимлиги ва аёлларига нисбатан - вафот этиб кетган бўлса ҳам - муҳаббати ҳамда ўша аёлидан кўрган яхшиликларини унутмаганлиги зикр қилинган.

2) Ҳадисда Хадижа розияллоҳу анҳонинг фазли ва у муҳтараманинг Набий соллаллоҳу алайҳи ва салламга қанчалик азиз ҳам суюкли бўлганликлари баён этилган.

3) Киши аёлининг кадр-қимматини тирикликда ҳам вафот этгандан кейин ҳам унутмаслиги лозим.

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам дедилар: «Сизларнинг энг яхшингиз ўз оиласига яхши бўлганингиз. Мен эса сизларнинг орангиздаги ўз оиласига энг яхши кишиман. (Термизий, Аҳмад ва Ибн Можа ривояти, саҳиҳ ҳадис Албоний)

4) Рашкнинг^[1] эр-хотин орасида мавжудлигига исбот бор. Рашк энг фозила аёллардан ҳам содир бўлиши мумкин.

Имом Табарий айтади:

«Рашк аёллар табиатида бўлгани учун рашк қилиш мумкин, лекин Аллоҳ ва Расули ҳаром қилган нарсаларга ўтиб кетмаслиги лозим».

5) Яхши кўрган кишингизнинг яхши кўрганларини ҳам яхши кўринг.

6) Айрим кишилар иккинчи хотинга уйлангандан кейин, аввалги хотинининг яхшиликларини эсдан чиқарадилар. Бу хато, албатта.

7) Аёл ўзининг юриш туриши ва чиройли муомалалари билан эрининг муҳаббатини қозониши лозим. Зеро, яхши хотин эрига ҳаёт қувончини тақдим этиб, гўзал муҳит яратиб беради. Яхши аёл оилани боғ-бўстонга, ёмон аёл эса чўл-биёбонга айлантиради.

Аёллар билан мулойим муомала қилиб, улар муҳаббатини қозонмоқ лозим

Оиша розияллоҳу анҳодан ривоят қилинади: «Ҳабашлар найзалари билан масжидда ўйин кўрсатишарди. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам «Эй Ҳумайро^[2] уларни томоша қилишни хоҳлайсизми дедилар. Мен: «Ҳа» дедим. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам эшик ёнида турдилар, мен эса ёнларига келдим-да

иягимни муборак елкаларига қўйдим ва яноғимни яноқларига текказдим. Ҳабашлар ўйин кўрсатиб: «Абул Қосим жуда яхшидир», дейишарди. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам «Етар энди», - дедилар. Мен: «Ё Расулуллоҳ шошманг» дедим. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам бироз турдилар. Сўнг яна «Етар, энди», дедилар. Мен яна «Ё Расулуллоҳ, шошманг», дедим. Аслида Ҳабашларни томоша қилишни хоҳламас эдим, лекин мен аёлларга Расулуллоҳнинг мен учун турганликлари ва мени қадрлашлари аёлларга етиб боришини хоҳлардим.

Ҳадисдан олинадиган сабоқлар

1) Бу ҳадисда аёлларга мулойим муомала қилиб, улар муҳаббатини қозониш баён қилинган.

2) Ҳайит кунлари оилага ҳар хил бадан роҳатланадиган, Аллоҳ таоло ҳалол қилган нарсаларга шароит яратиб бериш шариат рухсат этган амаллардан эканлиги баён қилинади. Чунки ҳадисда зикр қилинган воқеа ҳайит кунда бўлган эди.

3) Ҳайит кунлари хурсандчиликни изҳор қилиш дин ибодатларидан саналади.

4) Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг ўз аҳли аёлларига ва бошқаларга қилган яхшиликлари, чиройли хулқлари, меҳрибончиликларини ҳар-бир эр киши ўзида мужассам қилиши лозимлиги баён қилинган.

5) Оиша розияллоҳу анҳони Набий соллаллоҳу алайҳи ва саллам қанчалик яхши кўришлари баён қилинган. Шунинг учун ҳам Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламдан «Одамлар орасида энг яхши

кўрган кишингиз ким?»- деб сўраганларида «**Оиша**» деганлар. (Муттафақун алайҳи)

б) Ҳар кимни ўзи яхши кўрган исм билан чақирриш ҳам лутфга киради. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам Оиша розияллоҳу анҳони «**Эй Ҳумайро**», деб эркалатиб чақиряптилар. Баъзан: «**Эй Оиш, Жаброил сизга салом йўллаяпти**», (Муттафақун алайҳи) деб охирги ҳарфини тушириб айтганлар.

Оилавий ҳаётда баъзи хатолардан кўз юмиш

Умму Салама розияллоҳу анҳодан: «**Бир кун Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламасҳоблари билан Оиша розияллоҳу анҳонинг уйида ўтирган эдилар. Умму Салама онамиз бир идишда таом олиб келдилар. Шунда Оиша розияллоҳу анҳо кийимини белига боғлаб олган ҳолда қўлида бир тош билан келди-да у билан идишни уриб иккига бўлиб қўйди. Шунда Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам бўлинган идишни иккала бўлагини бирлаштириб саҳобаларга икки бор такрорлаб: «Олинглар! Еяверинглар, онангиз рашк қилди», дедилар. Сўнгра Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам Оиша онамизнинг бутун идишларини олдилар ва Умму Салама онамизга бердилар, Умму Саламанинг синган идишни **Оишарозияллоҳу анҳога бердилар**». (Насоий ривояти)**

Ҳадисдан олинадиган сабоқлар

1) Ҳадисда Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг гўзал хулқлари ва ҳалимликлари баён қилинган.

2) Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг ҳалимлигига қаранг! Оиша розияллоҳу анҳодан

содир бўлган хатони маломат қилмасдан, аёлларнинг рашкчи эканини билганлари учун **«Онанглар рашк қилди»**, - деб маъзур тутяптилар.

3) Оиша розияллоҳу анҳонинг идишни синдирганига Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам индамадилар. Чунки Умму Салама розияллоҳу анҳо Оиша розияллоҳу анҳонинг уйида ўтирган Расулуллоҳ ва асҳобларига таом чиқариш билан, Оиша розияллоҳу анҳонинг рашкига сабабчи бўлган эди. Шунинг учун ҳам Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам идишни тўлатиш билангина чекландилар. Таомни эса тўлатмадилар, чунки бу таом ҳадя эди. Бошқа шунга ўхшаш ҳодисада **«Идишга идиш, таомга таом»**, деб таомни ҳам тўлатганлари ривоят қилинган.

4) Мана бундай ҳикмат ва ҳалимлик оила ҳаётидаги тўсиқлардан бешикаст ўтишга имкон беради. Кўп хотинли кишилар Набий соллаллоҳу алайҳи ва салламдан ўрнак олиб, аёлларига нисбатан ҳамиша ҳикмат ва ҳалимлик мақомида туриб, барча ҳолатларда адолат билан иш тутсинлар. Ана шунда ҳеч кимга зарар етмайди. Аёлларининг фақат биттасига мойил бўлиб, қолганларини ташлаб қўйган киши қуйидаги таҳдидни ёдида тутсин.

«Кимнинг икки хотини бўлиб, уларнинг бирига мойил бўлиб қолса қиёмат куни бир тарафга моил бўлиб (қийшайган) ҳолда келади». (Абу Довуд, Термизий ва Насоий ривояти)

Эр-хотин орасидаги туйғуларга эътибор

Оиша розияллоҳу анҳодан: **«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам менга: «Мен сизнинг рози бўлганингизни**

ҳам, жаҳлингиз чиққанини ҳам биламан»,- дедилар. «Қаердан биласиз?»- деб сўрадим.

- Агар мендан рози бўлсангиз «Йўқ Муҳаммаднинг Раббига қасамки»- деб гап бошлайсиз, агар мендан ғазаблансангиз «Йўқ Иброҳимнинг Раббига қасамки»,- деб гап бошлайсиз, - дедилар.

- Аллоҳга қасамки тўғри айтдингиз, фақат исмингизни тарк этаман, холос»,- дедим.(Бухорий ривояти)

Ҳадисдан олинадиган сабоқлар

Агар эр-хотин бир бирини диққат билан кузатса, қачон ғазабланиши-ю қачон рози бўлишларини билиб оладилар. Биз бу ҳадисда Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам Оиша розияллоҳу анҳонинг ҳис-туйғуларини, биргина қасамининг ўзиданоқ билиб олганларини мулоҳаза қиламиз.

2) Гоҳо эр-хотин ўртасида келишмовчиликлар бўлиб туради. Бундай ҳолларда бир-биридан аразлашиш орага совуқлик тушишига сабаб бўлмаслиги керак. Шариат рухсат берган йўллар билан масалан, насихат қилиш каби чораларни қўллаш керак. Агар насихат кор қилмаса унда эр ётоғини бўлак қилиши мумкин.

3) Оиша розияллоҳу анҳонинг Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламга қилган ғазаби кечирилди. Аслида, ҳеч кимнинг Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламга ғазаб қилиши жоиз эмас. Оиша розияллоҳу анҳонинг ғазабига рашк туртки бўларди. Рашк эса муҳаббатга далолат қилади. Шунинг учун ҳам Оиша розияллоҳу анҳо ғазабланганда ҳам, қасам ичганда ҳам «Иброҳимнинг раббисига қасамки», деб чегарадан ўтиб кетгани йўқ.

Зеро, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам қасамга қўшиб айтилишда инсонларнинг энг муносибидир. Оиша розияллоҳу анҳо Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламга боғлиқ чегарадан узоққа чиқиб кетмади. Эр-хотин бир-биридан ғазабланган вақтда ўртага совуқликни туширмайдиган ишларни қилсинлар.

4. Баъзилар Аллоҳдан бошқа нарса билан қасам ичадилар. Қасам ичилаётган нарса хоҳ Каъба, хоҳ Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг номлари ёки бошқа нарсалар бўлсин, бундай қасам ҳаром ва ширкдир.

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам айтдилар: **«Ким қасам ичса, Аллоҳнинг номи билан ичсин, бўлмаса жим турсин».** (Муттафақун алайҳи)

«Ким омонатни ўртага қўйиб қасам ичса, биздан эмас».

«Ким Аллоҳдан бошқа нарса билан қасам ичса, дарҳақиқат ширк келтирибди». (Аҳмад ривояти)

Тўй кечаларида рухсат берилган ўйин-қулги

Муҳаммад ибн Хотибдан ривоят қилинади: **Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи ва саллам дедилар: "Никоҳнинг ҳалол ва ҳароми ўртасини ажратувчи нарса дуф ва овоз (ёр-ёр)"** (Ибн Можа ва Термизий ривояти саҳиҳ ҳадис)

Ҳадисдан олинандиган сабоқлар

Бу ҳадисда никоҳ кечаларида «дуф» чалишга хужжат бор. Набий соллаллоҳу алайҳи ва саллам дедилар:

«Никоҳдаги ҳалол ва ҳаромнинг орасини ажратиб турадиган нарса дуф ва овоздир». (Ибн Можа ва Термизий ривояти саҳиҳ ҳадис)

Ушбу масала аҳамиятли бўлганлиги учун бир оз тўхталиб ўтамиз.

1) Чалинаётган нарса бир тарафи тери билан қопланган иккинчи тарафи очиқ, ҳеч қандай муסיқий асбоб ускуналар (шилдироқ ҳалқалар) осилмаган дуф (доира) бўлиши шарт. Чунки муסיқий асбоблар (шилдироқ, ҳалқалар) осилган дуфни ишлатишга шариат тарафидан ҳеч қандай рухсат келган эмас. Бу шариатда ҳаромдир. Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам дедилар: **«Умматимда шундай бир қавм бўладики, улар зинони, ипакни, хамрни (арокни)... ва маъозифни ўзларига ҳалол қилиб оладилар...».** (Имом Бухорий ривояти)

«Маъозиф» барча муסיқа асбобларини ўз ичига олади. Луғат олимлари орасида бу масалада ҳеч қандай ихтилоф йўқ. Агар ҳалол бўлганда, зино ва хамр каби нарсалар қаторида саналмаган бўларди.

Муסיқа ва муסיқий асбобларнинг ҳаром эканига ҳужжатлар кўп. Бироқ ҳозир бу масаланинг ўрни эмас.

2) Тўйда айтиладиган шеърларнинг сўзлари фаҳш, шаҳватни кўзғатувчи сўзлардан холи, чиройли ва маъноли сўзлар бўлиши лозим.

3) Бундай ҳолларда аёлларнинг овози эркакларга эшитилмаслиги керак. Аёлларга ажратилган жой эркаклар турган жойга яқин бўлмаслиги ва овоз кучайтиргич асбоблари ишлатилмаслиги даркор.

Шайх Солиҳ ибн Ғоним Ас-Садлан айтади: «Хурсандчиликни изҳор қилиш учун никоҳ тўйларида дуф чалинишнинг зарари йўқ. Фақат баъзи шартлари бажарилиши керак. Шартлар:

Дуф бировни безовта қилмайдиган даражада паст овозда чалиниши керак.

Дуфни эркаклар эмас, аёллар чалиши керак.

Шайхулислам Ибн Таймийя айтади:

«Дуф чалиш ва чапак чалиш аёллар одати бўлгани учун бу ишларни қилган эркакларни салафлар “хунасалар”, - деб атаганлар».

Дуфда шилдиروقлар бўлмаслиги керак. Шунингдек, карнай, сурнай, танбур, ғижжак каби асбобларни чалиш ҳам, эшитиш ҳам барча аҳли илмлар наздида ҳаромдир.

Аёллар эркакларга аралашиб юрмаслиги лозим. Аммо бугун дуфни баланд чалиб овоз кучайтиргич ёрдамида одамларга эшиттириш, шаҳватни қўзғатувчи оҳангда ашулаларни ва бемаъни шерларни айтиб кечалар ўтказилаётганини кўраяпмиз. Бундай ножоиз ишлар албатта фасод ва бузғунчиликка олиб боради.

Ҳофиз ибн Ражаб ўзининг «Нузҳатус само» китобида ёзади:

«Уларнинг дуфлари бамисоли элакдек, шеърлари, нашид ва ашулалари уруш кунларидаги жоҳилий шеърлар каби бўлар эди. Ким жарангловчи дуфлар билан ғазаллар эшитишни бунга ўхшатадиган бўлса, жуда катта хато қилибди».

Изз ибн Абдуссалом айтади: «Рубоб, ғижжак ва шунга ўхшаш чолғу асбобларини чалиш ҳам, эшитиш ҳам тўрт мазҳабда (Ҳанафий, Моликий, Шофеъий ва Ҳанбалий) ҳаромлиги машҳурдир».

Ибн Қудома «Муғний» китобида айтади: «Дуфни чалиш эркакларга ҳамма вақт макруҳдир. Уни аёллар чалади. Агар эркаклар чаладиган бўлса ўзини аёлларга ўхшатган бўлади. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам ўзини аёлларга ўхшатган эркакларни лаънатлаганлар».

Ҳофиз ибн Ҳажар раҳимахуллоҳ айтади: «Исломнинг асл қоидаларидан бири - бемаъни ўйин-кулгулардан пок бўлиш. Асл қоидага хилоф бўлгани боис ўйин-кулгунинг вақти ва кўриниши аниқ далилларга мувофиқ бўлиши лозим».

Баъзи аёллар аёллар даврасида рақсга тушаётган вақтида мумкин бўлмаган жойлари очилиб кетади. Чунки у шармандаларнинг кийимини кийиб олгани учун либоси паст тарафидан, тепа тарафидан ёки ёнбошидан очилиб ётади. Бу аҳволда рақс тушиш ҳам, бошқа аёлларнинг унга қараши ҳам ҳаромдир.

Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам айтдилар: **«Бир киши бошқа бировнинг авратига назар ташламасин! Бирорта аёл бошқа бир аёлнинг авратига назар солмасин! Икки киши (яланғоч ҳолда) бир ўранчиққа ўранмасин! Икки аёл ҳам (яланғоч ҳолда) бир ўранчиқ остига кирмасин!»**. (Муслим ривояти)

Имом Нававий айтади: «Бу ҳадисда бир киши бошқа кишининг авратига, бир аёл бошқа бир аёлнинг авратига қарашининг ҳаромлиги баён қилинган».

Баъзи аёллар кофир, бузуқ раққосаларга тақлид қилиб рақс тушади. Бу билан шаҳват ўчоғига ўт ёқадилар. Қолаверса Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг мана бу сўзлари остига кириб қоладилар: **«Ким ўзини бир қавмга ўхшатса, бас у ўшалардандир»**. (Абу Довуд ривояти)

Бундан ташқари гуноҳ ишларга ёрдам бериш ҳам бўлади.

Аллоҳ таоло айтади: **«Гуноҳ ишларга ва тажовузкорликка ёрдам берманглар»**. (Моид: 2)

Бундай рақсга тушиш ҳам, уни томоша қилиш ҳам ҳаромдир.

Баъзи аёллар рақсга тушаётган вақтларида уларга кўз тегиб қолиши ва бошқа аёллар олдида мақталиб ҳар-хил фитналарга гирифтор бўлиб қолиш эҳтимоли бор.

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам айтганлар: **«Кўз тегиши ҳақдир. Агар тақдирдан бирор бир нарса ўтиб кетгувчи бўлганида, албатта кўз тегиши ўзар эди».** (Муслим ривояти)

«Аллоҳнинг қазо ва қадаридан кейин ўладиган кишиларнинг кўпи нафс (яъни, кўз тегиши) билан ўлади». (Баззор ривояти)

Демак, муслималар бу муаммолардан ўзларини хотиржам санасалар-да, лекин бошқа аёлларнинг: «Фалончи чиройли рақс тушар экан, писмадончи ёмон тушар экан», деган гапларидан қочиб қутула олмайдилар. Хусусан тўй-ҳашамларни яширин ёки ошкор тасвирга туширишдан сақланмоқ лозим. Аёллар давраси тасвирга туширилган видеокассеталарни кимлар кўрмайди дейсиз. Биз буни аниқ ҳаром деб айтамыз.

^[1] Рашк бир кишига тегишли бўлган нарсада бошқа бировнинг шерик бўлиши натижасида қалб ҳаяжонланишидан олинган. Бу кўпроқ эр-хотинлар ўртасида бўлади.

^[2] Хумайро - Ҳижозликларнинг тилида қизил сочлиларга айтилади, бу ўринда эркалаш маъносини билдиради.

Ғийбат ва чақимчиликдан сақланинг!

Оиша розияллоҳу анҳодан ривоят қилинади: **«Мен Набий соллаллоҳу алайҳи ва салламга бир кишининг ҳаракатини қилиб бердим шунда**

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам: "Менга фалонча нарсанинг бўлиши эвазига бировнинг ҳаракатини ўхшатиб беришим мени хурсанд қилмайди", - дедилар. Мен эй Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам: Софийя мана бундай дедим. (яъни, қўли билан Софийянинг калта, бўйи пастлигига ишора қилди). Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам: Дарҳақиқат сиз шундай сўзни айтдингизки, агар уни денгиз суви билан аралаштирилса, денгиз сувини ҳам бузган бўлар эди», - дедилар.

Ҳадисдан олинадиган сабоқлар

Ҳадисда ғийбатнинг ёмонлиги айтилмоқда. Олимлар ғийбатни гуноҳи кабиралардан ҳисоблаганлар.

«... ва айримларингиз айримларни ғийбат қилмасин! Сизлардан бирон киши ўзининг ўлган биродарининг гўштини ейишни яхши кўрурми?! Ана ёмон кўрдингизми?! (Бас, гуноҳи бунданда ортиқ бўлган ғийбатни ҳам ёмон кўрингиз)!...» (Ҳужурот:12)

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам айтадилар: **«Рибо-судхўрлик етмиш икки бобдир. Энг кичкинаси (нинг гуноҳи) киши ўз онасига жинсий яқинлик қилиши кабидир. Энг катта судхўрлик киши ўз биродарининг обрў-эътиборига путур етказишидир».** Табароний ривояти, Албоний саҳиҳ деган.

«Меърожга чиққанимда бир қавмнинг ёнидан ўтдим. Уларнинг тирноқлари мисдан эди. Улар кўкраклари ва юзларини тирнар эдилар. Шунда мен: «Эй Жибрил, булар кимлар», - деб сўрадим. Жибрил: «Улар инсонларни гўштини еган,

уларнинг обрўларига путур етказганлар»,- деб жавоб берди. Абу Довуд ривояти.

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам ғийбатдан қаттиқ қайтарганлар. Ғийбатчилар қандай ёмон гуноҳ қилиб юрганларини билиб қўйишсин. Наҳот тиллари ғийбатдан чарчамаган бўлса?!

Ғийбатчи ва чақимчиларнинг касофатидан қанча чин дўстларнинг оралари бузилиб кетди! Қанча оилаларнинг орасига совуқлик тушди! Қанча гулдек хонадонлар ҳаробага айланди.

Ахир ёлғон-бўхтонлар сабабли мазлум бўлиб қолганларнинг дуои-бадларидан қўрқмайдиларми?!

Аллоҳ таоло мазлумларнинг дуосини қабул қилади. Аллоҳ азза ва жалла мазлумга қарата: **«Иззатим ва Улуғлигимга қасамки, кейинроқ бўлса ҳам, албатта сенга ёрдам бераман!»**- дейди. Ғийбатчи ва чақимчилар Аллоҳнинг аламли азоби келмасдан туриб тавба қилинг!

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам дедилар: **«Ким бир мўмин ҳақида унда йўқ бўлган сифатни гапирса, то гапираётган гапидан тўхтамагунича Аллоҳ унинг жойини дўзах аҳлидан оқиб чиққан йиринг ва қонлар тўпланадиган жойдан қилади»**. Абу Довуд ривояти.

Мусулмон киши ғийбат қилаётган одамни қайтариши лозим. Чунки ғийбатни эшитиш ҳаром. Биродарининг обрўсини ҳимоя қилган кишига чиройли оқибатлар ваъда қилинган.

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам айтдилар: **«Ким биродарининг обрўсини ғийбатдан ҳимоя қилса, уни дўзахдан омон сақлаш**

Аллоҳнинг зиммасидаги ҳақ бўлди». Аҳмад ривояти.

Оилавий муаммолар ечими

Нўъмон ибн Башир розияллоҳу анҳудан: «Абу Бакр розияллоҳу анҳу Набий соллаллоҳу алайҳи ва саллам ҳузурларига киришга изн сўраб келдилар. Шу вақт Оиша розияллоҳу анҳонинг Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламга баланд овоз билан гапираётганини эшитиб қолди. Изн берилгач, кириб Оиша онамизни ушладилар ва: «Эй Умму Рувмоннинг қизи! Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламга овозингни баланд кўтарасанми?», деди. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам иккалаларининг ўртасига тушдилар. Абу Бакр розияллоҳу анҳучиқиб кетгач, Набий соллаллоҳу алайҳи ва саллам Оиша розияллоҳу анҳуни рози қилиш учун: «Кўрмадингизми, сиз билан отангизнинг ўртангизга тушдим»,- дея бошладилар. Бир муддатдан сўнг Абу Бакр розияллоҳу анҳу келиб, яна киришга изн сўради. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг Оиша розияллоҳу анҳони қулдираётган эдилар. Изн берилгач, Абу Бакр розияллоҳу анҳу: «Ё Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам, уришиб қолган вақтингизда шерик қилганингиздек, тотувлигингизда ҳам шерик қилингларда»,- деди». Аҳмад ривояти.

Ҳадисдан олинадиган сабоқлар

Набий соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг ҳалимлигини сўз билан таъриф қилиш қийин. Набий соллаллоҳу алайҳи ва саллам асло кибр қилмасдилар. Агар аёлларидан бир хато содир бўлса, биринчи

бўлиб Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам ўртани ислоҳ қилишга ҳаракат қилар эдилар.

Эр-хотин ўртасида келишмовчилик бўлиши табиий ҳол. Оилада жанжал чиқса, дарҳол икковидан бири ғазабидан тушиб тоқати етганча жуфтани аччиғидан туширишга ҳаракат қилмоғи лозим. Шунда оила деб аталмиш кема ҳаёт денгизида сузишда давом этади. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг хонадонидаги келишмовчиликлар аёллари томонидан бўлар эди. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг чиройли хулқлари ва ҳалимликлари аёлларини аччиғидан туширарди.

Ота эрига қарши чиққанлиги учун қизига одоб бериши керак. Бу оила тинчлиги учун зарур.

Агар хотин тарафидан бирон хато содир бўлса, эр дарҳол аёлга зарар беришга ёки никоҳ тугунини ечишга шошилмасдан, ақл ва юмшоқлик билан муомала қилиши ва аёлининг яхшиликларини эслаб, бу хатони кечириб юбориши лозим.

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам айтдилар: **«Мўмин киши мўмина аёлни ёмон кўрмасин. Агар унинг бир хулқини ёмон кўрса, бошқасидан рози бўлади»**. Муслим ривояти.

Келишмовчиликни ҳал қилиш учун Аллоҳга осий бўлиб қолмайдиган даражада эр-хотин ўз ҳаққини талаб қилишлари мумкин.

Ота фақат қизига фойдали бўлган ўринлардагина қизининг оилавий ишларига аралashiши мумкин.

Саҳл ибн Саъд розияллоҳу анҳу ривоят қилган ҳадисда:

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам қизлари Фотима розияллоҳу анҳонинг уйига келдилар. Алий розияллоҳу анҳуни уйда топмадилар.

«Амакингнинг ўғли кани?»- дедилар. Фотима розияллоҳу анҳо: «Орамиздан гап ўтганди, менга ғазаб қилиб чиқиб кетди. Менинг олдимда дам олгиси келмади»,- деди. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам бир кишига: «Қарачи қаерда экан», - дедилар. Ҳалиги киши: «У масжидда ётибди», - деб келди. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам масжидга келдилар. Алий розияллоҳу анҳунинг ёнбошидан ридоси тушиб кетиб унга (ёнбошига) тупроқ теккан ҳолда ётарди. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам унинг чангларини қоқиб: «Эй Абу Туроб!^[1] тур, Эй Абу Туроб! тур», - дея бошладилар. Бухорий ва Муслим ривояти.

Ҳофиз ибн Ҳажар роҳимахуллоҳ айтадилар: «Бу ҳадисда кўп фойдалар бор. Булардан бири куёвга яхши гапириб, ғазабидан туширишдир».

Хотинлар ўртасини ислоҳ қилиш

Анас розияллоҳу анҳудан: «Ҳафсанинг "яхудийнинг қизи" дегани, Софийяга етиб келди. У хафа бўлиб йиғлади. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам кирганларида ҳам йиғлар эди. «Сизни нима йиғлатди?»- дедилар. Софийя: «Ҳафса мени яхудийни қизи деб айтди», - деди. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Сиз пайғамбарнинг қизисиз, амакингиз пайғамбар ва ўзингиз пайғамбарнинг никоҳидасиз. У нимаси билан сизга фахрланади?»- дедилар. Сўнг: «Эй Ҳафса, Аллоҳдан кўрқинг!»- дедилар». Имом Аҳмад ва Термизий ривоятлари.

Ҳадисдан олинадиган сабоқлар

Кундошлар ўртасида келишмовчилик чиққан пайтларда эр ҳакамлик қилиши жоиздир.

Аёл киши ўз номусини ва динини муҳофаза қилиш йўлида унга келаётган сўзлар -ҳатто фозила аёллар тарафидан келаётган бўлса ҳам- ўз исботини топмагунича қаттиқ ишонч ҳосил қилмаслиги керак.

Набий соллаллоҳу алайҳи ва саллам Софийя розияллоҳу анҳога яхши фазилатларни баён қилиб бердилар. Чунки бу фазилатлар Пайғамбар хонадонига боғлиқ бўлган тақво ва иймон каби шарафли асос устига қурилгандир. Буни камситиб бўлмайди. Сўнг Набий соллаллоҳу алайҳи ва саллам Ҳафса розияллоҳу анҳога насиҳат қилдилар.

Ҳафса розияллоҳу анҳо жаҳли чиққан пайтда юқоридаги сўзни айтган бўлиши мумкин. Лекин мусулмон киши тилини ҳар қандай тойилишлардан сақлашга буюрилган.

«Айтинг (эй Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи ва саллам), бандаларимга улар энг чиройли (яхши)сўзларни гапиришсин. Албатта шайтон уларнинг орасига адоватни ташлайди. Албатта шайтон инсонга очик душмандир». (Исро: 53)

Аҳли аёлга таълим бериш

Ибн Аббос розияллоҳу анҳумодан, мўминлар онаси Жувайрия Ҳорис қизи розияллоҳу анҳодан: **«Набий соллаллоҳу алайҳи ва саллам Жувайриянинг олдидан бомдод намозидан кейин ўтдилар. Жувайрия жойномози устида эди. Сўнг чошгоҳ пайти қайтдилар. Жувайрия ҳали ҳам жойнамози устида ўтирар эди. Набий соллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Сиз ўша пайтдан бери шу ҳолда ўтирибсизми?»- дедилар. (Жувайрия): «Ҳа», - деди. Набий соллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Мен сизнинг олдингиздан кетгандан кейин тўрт**

калимани уч марта айтдим. Агар сиз шу пайтгача айтган зикрларингиз билан бу калимани тортиб кўрилса, албатта бу калималар оғир келади. «Субҳаналлоҳи ва бихамдиҳи адада холқиҳи ва ризо нафсиҳи ва зината аршиҳи ва мидаада калимаатиҳи» «Махлуқлари сонича, нафсининг ризолигича, Аршининг оғирлиги, ва калималарининг сиёхичалик Аллоҳни поклаб ҳамд айтаман». Аҳмад ва Муслим ривояти.

Ҳадисдан олинадиган сабоқлар

Бу ҳадисда Набий соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг аҳли аёлига насиҳати, уларга меҳрибонлиги ва яхшиликка йўллаганлиги баён қилинмоқда.

Эр киши аҳли аёлига таълим бериш ва яхши йўлларга йўллашга ҳаракат қилмоғи лозим. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам дедилар.

«Аллоҳнинг раҳмати бўлсин бир кишига-ки, у кечаси туриб намоз ўқийди ва аёлини ҳам уйғотади. Агар туришга кўнмаса, юзига сув сепади. Аллоҳнинг раҳмати бўлсин бир аёлга-ки, у кечаси туриб намоз ўқийди ва эрини ҳам уйғотади. Агар туришга кўнмаса, юзига сув сепади». Абу Довуд, Насоий ва Ибн Можа ривояти.

Мазкур ҳадисда айтилган сифатлар билан зийнатланган хонадон ҳақиқий бахтли хонадондир. Чунки Аллоҳга ибодат қилишда бир-бирига ёрдам бермоқлик оила саодатининг асосидир.

Шайхул-ислом Ибн Таймия роҳимахуллоҳ айтади: «Аллоҳни доим зикр қилиб юриш – банда машғул бўладиган ишларнинг энг афзали эканини олимлар билиттифоқ таъкидлашган».

Саъд ибн Аби Ваққос розияллоҳу анҳудан: «**Биз Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламҳузурларида эдик. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Сизлардан бирингиз ҳар куни мингта ҳасана-савоб топишдан ожизми?»- дедилар. Ўтирганлардан бири «Қандай қилиб мингта ҳасана топади?»- деб сўради. «Юз марта тасбеҳ айтади, шунда унга мингта ҳасана ёзилади ёки ундан мингта хато ўчирилади»,- дедилар.** Муслим ривояти.

Ё Аллоҳ! Қанча улуғ фазллар бор, биз ундан ғофилмиз-а!

Уйларни мункар нарсалардан поклаш

Оиша розияллоҳу анҳодан: «**Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам сафардан келдилар. Мен хонамдаги токчани суратли мато билан тўсиб қўйган эдим. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам уни кўрган захоти юлиб олдилар-да: «Қиёмат куни энг қаттиқ азобланадиган кишилар Аллоҳнинг махлуқларига ўхшатиб расм чизганлар»,- дедилар. Биз уни битта ёки иккита тўшак қилиб қўйдик, дедилар».** Бухорий ривояти.

Ҳадисдан олинадиган сабоқлар

□ Гоҳо оилада кимдир ўзи билмаган ҳолда ноўрин ишни қилиб қўяди. Шунда қаттиқ гапирмасдан, бу ҳолни дарҳол ўзига хос услуб билан ўзгартириш зарур. (Яъни, ким ҳақ, ким ноҳақлигини аниқлаб олиш керак). Ҳақ маълум бўлгач, икки тарафдан бири ҳақни қабул қилиб, итоат қилиши лозим.

□ Бу ҳадисда жонзотларнинг расмини чизиш ва шу каби чизилган суратларни уйда эътиборли ҳолда

қолдиришнинг ҳаромлиги айтилмоқда. Уларни ўчириб, йўқ қилиб ташлаш вожиб.

«Албатта бу суратларнинг эгалари Қиёмат куни азобланадилар». Бухорий ривояти.

«Фаришталар расм бор уйга кирмайди». Бухорий ривояти.

Хусусан, ёш болаларнинг кийимларидаги жонли суратларни йўқотмоқ лозим. Аммо ерда хор бўлиб, топталадиган тўшакка ўхшаш нарсалардаги суратларнинг зарари йўқ, чунки юқоридаги ҳадисда Оиша онамиз токчадан юлиб ташланган матодан тўшак қилганларини зикр қилдилар. Жаброил Набий соллаллоҳу алайҳи ва салламга ўтган кечада келганлари ва уйга кирмаганларини бунинг сабаби уйда жонли нарсаларнинг сурати солинган эшик, парда ва уй ичида ит борлиги эканини хабар бердилар ва айтдилар: **«Буюринг, эшикдаги суратларнинг бошини кесиб (ўйиб) ташлансин, худди дарахтга ўхшаб қолади. Буюринг пардани йиртиб ундан иккита оёқ остида топталадиган ерга ташлаб қўйиладиган тўшак қилинсин ва итни чиқариб юборишга буюринг».**Абу Довуд, Термизий ва Насоий ривояти.

Ғаюрлик-рашк

Оиша розияллоҳу анҳодан: **«Мен Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламни (бирга ётганда) пайпаслаб қидирдим. Сўнг қўлимни сочлари орасига киргиздим (бошқа ривоятда Расулуллоҳ ташқарига чиқиб келган бўладилар). Шунда Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам «Шайтонингиз келдими?»- дедилар. Мен: «Сизнинг шайтонингиз йўқми?»- дедим. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Бор,**

лекин Аллоҳ менга ёрдам берган; у Исломга кирган»,- дедилар. Насоий ривояти.

Ҳадисдан олинадиган сабоқлар

1) Рашк аёлларда доим бўлади. Хусусан, ухлаш олдидан ва уйғонган пайтда аёллар билан муомала қилишда ўртача бўлиш лозим. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам: **«Албатта рашк қилувчи аёллар водийнинг боши билан охирини (фарқига бормай қолади) кўрмайди»,-** деганлар. (Водийдан мурод дарё ёки сой. ИНТ) Абу Яъло ривояти.

Аёлларда рашк ўти алангаланган вақтда қилаётган ишларини билмай қолади. Шунинг учун ҳам Оиша розияллоҳу анҳо Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам бошқа хотинлариникига бориб келдиларми-йўқми, борган бўлсалар ғусл қилдиларми ёки йўқми, шуни билиш учун қўлини Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг сочлари орасига киргиздилар. Албатта, бу шайтон васвасасидир. Чунки Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам Оиша розияллоҳу анҳо учун ажратган кунда адолатсизлик қилиши мумкин эмас.

Оиша розияллоҳу анҳонинг саволи қаттиқ бўлса-да, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам у кишига чиройли жавоб қилдилар. Бундан Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг аёлини қанчалик севиши маълум бўлади. Киши маҳбубасини ранжитмайди.

Қози Иёз раҳимахуллоҳ: «Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам аҳли аёллари билан чиройли ва бағрикенглик билан муомалада бўлгани хусусида саҳобалар ва салафи солиҳларнинг сўзлар жуда кўпдир»,- деганлар.

Имом Молик айтади: «Киши аҳли билан яхши муносабатда бўлишида Аллоҳнинг розилиги, аёлининг муҳаббати, молининг кўпайиши ва умрининг баракали бўлиши бордир». «Эр киши аёлининг муҳаббатини қозонишга ҳаракат қилиши вожиб».

Имом Молик аҳли-аёлига ва фарзандларига чиройли муомалада бўлган кишилардан эди.

^[1] Маъноси: «Эй тупроққа беланиб ётувчи».

Ота солиҳ кишига: «Қизимга уйланинг», деб таклиф қилиши

Солим ибн Абдуллоҳ Абдуллоҳ ибн Умар розияллоху анҳумодан эшитганини ривоят қилади: «Умар розияллоху анҳу айтади: **Ҳафса эри Хунайс ибн Ҳузофа ас-Саҳмийдан — у Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи ва салламнинг асҳобларидан эди. Бадрада қатнашган. Мадинада вафот қилган — тул қолган пайтда мен Усмон ибн Аффонга учрадим ва унга қизим Ҳафсани таклиф қилиб, агар хоҳласангиз Ҳафса бинт Умарни сизга никоҳлаб бераман, - дедим. У: «Ўйлаб кўраман», - деди. Бир неча кун кутганимдан сўнг у шу кунларда уйлана олмаслигини айтди. Абу Бакрга бордим, унга: «Хоҳласангиз, қизим Ҳафсани сизга никоҳлаб берай», - дедим. Абу Бакр бирон нарса демади. Мен Усмондан ҳам кўра Абу Бакрдан кўпроқ хафа бўлдим. Орадан бир неча кун ўтгач Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи ва саллам совчи кўйдилар. Сўнг Ҳафсани Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи ва салламга никоҳлаб бердим. Абу Бакрни учратиб қолдим. Абу Бакр: «Менга қизингиз Ҳафсани таклиф қилганингизда, ҳеч нарса демаганимга хафа бўлгандирсиз?» - деди. «Ҳа», -**

дедим. **Абу Бакр: Сизга жавоб беришимдан қайтарган нарса, мен Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг Ҳафсани тилга олганларини билгандим. Мен ҳеч қачон Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг сирларини фош этмайман. Агар Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам уйланмаганида, мен албатта уни қабул қилар эдим»,- деди.** Бухорий ривояти.

Ҳадисдан олинадиган сабоқлар

Бу ҳадисдан ота қизини солиҳ кишига таклиф қилиши мумкинлиги маълум бўлади. Бу унинг ўз қизига қилган яхшилигидандир.

Ота қизини солиҳ кишига, гарчи у оилалик бўлса ҳам таклиф қилишида айб йўқ. Умар розияллоҳу анҳу Абу Бакр Сиддиққа қизини таклиф қилди. Ҳолбуки, Абу Бакрнинг бошқа хотини бор эди. Ҳафсанинг ёши ҳам Абу Бакрдан йигирма ёшлар чамаси фарқ қилар эди. Чунки Ҳафса рисолатдан беш йил олдин туғилган.

Баъзи аёлларнинг «Хотин устига яна бошқасини олишни истаган кишига турмушга чиқиш яхши эмас. Чунки бу олдинги хотинига нисбатан зулмдир», деган тушунчалари хатодир. Умар розияллоҳу анҳу кизи Ҳафсани Абу Бакр ва Усмондек турмуш қурган кишиларга таклиф қилди-ку!

Мусулмонларнинг бири-бирига совчи қўйиш ёки уйлантириб қўйиш каби солиҳ амалларни қилиши Аллоҳ изни билан савобли ишдир.

«(Эй мўминлар), яхшилик ва тақво ишларида бир-бирларингга ёрдам беринглар». (Моида: 2)

Ҳозирги фитналар авжига чиққан бир даврда уйланиш шартларини енгиллаштириш лозим. Чунки кундан кунга аёллар сони кўпайиб бормоқда.

Кўп кишиларнинг бева аёлларга -хоҳ эри ўлган, хоҳ ажрашган бўлсин- уйланишдан бош тортишлари катта хатодир. Чунки бу аёллар оилавий ва ижтимоий ҳожатларини адо этадиган кишиларга муҳтожлар.

Шунингдек аёллар ҳам ўзларига совчи кўяётган кишилардан динига ва хулқига рози бўлганига — гарчи оилали бўлса ҳам — рози бўлишлари керак. Улар ўзларини ҳимоя қиладиган ва оилавий муаммоларини ҳал қилиб берадиган солиҳ кишининг қўл остида бўлишлари мақсадга мувофиқдир. Эрлари уйланаман деяётган аёллар ҳам инсоф қилсинлар, турмуш ўртоғи бутунлигича уники эмас. У эрининг ярмига, учдан бирига ёки тўртдан бирига эга бўлиши мумкин. Қолаверса, унга солиҳ эрни насиб қилган Аллоҳга ҳамдлар айтиб, эрсиз ўтирган дугонларидан солиҳ кишини дариғ тутмасинлар.

Одамлар ёмон хаёлларга бориб қолишининг олдини олиш

Алий ибн Ҳусайн Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг аёли Софийя бинт Ҳужай розияллоҳу анҳодан ривоят қилади: «**Софийя** розияллоҳу анҳо **Рамазоннинг охирги ўн кунда, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам эътикофдалик пайтларида, зиёрат қилгани келдилар.** Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам билан хуфтондан кейин бир муддат гаплашиб ўтирдилар. Сўнгра уйга қайтмоқчи бўлиб ўринларидан тургандилар, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам ҳам кузатиб қўйиш учун бирга турдилар. Софийя

Умму Салама розияллоху анҳумони маскани олдидаги масжид эшиги ёнига етган эдилар Ансорлардан икки киши ул зотнинг ёнларидан ўтиб қолишди. Улар Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи ва салламга салом бериб (тез) ўтиб кетишди. Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи ва саллам уларга қараб: «Шошманглар, бу Софийя бинти Ҳуяй»,- дедилар. Улар: «Субҳаналлоҳ! Ё Расулуллоҳ» - дейишди. Ул зотнинг бу сўзлари уларга оғир ботганди. Набий соллаллоху алайҳи ва саллам: «Шайтон одам фарзандининг қон оқадиган жойларида юради, шунинг учун сизларнинг қалбингизга ёмон гумонни солиб қўйишидан қўрқдим»- дедилар. Бухорий, Муслим, Абу Довуд ва Ибн Можа ривояти.

Ҳадисдан олинадиган сабоқлар

Мусулмон киши бошқаларнинг у ҳақда ёмон гумонга бориб қолишидан эҳтиёт бўлиши лозим. Шунинг учун шубҳа уйғотадиган жойларда юрмаслиги керак. Баъзи оилаларнинг кўпчилик олдида ўзларини тута олмасликлари кишини ёмон гумонга олиб боради.

Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи ва салламнинг хонадони нақадар пок ва шарафли эди. Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи ва саллам: «Бу Софийя бинти Ҳуяй»,- деб икки ансорнинг ёмон гумонга бориб қолишидан эҳтиёт бўлиб, вазиятни аниқ тушунтиришга ҳаракат қилдилар. Бу ҳадис шубҳали ва одамлар ёмон гумонга бориб қолишлари мумкин бўлган ўринлардан узоқ бўлишимизга катта далилдир. Агар ҳадисдаги каби ҳолат бўлиб қолса, шубҳага ўрин қўймаслик учун, сўралмаган ҳолатда ҳам баён қилиб қўйган яхши.

Қизларга яхшилик қилиш

Оиша розияллоҳу анҳодан: «Бир бечора аёл икки қизчасини кўтариб ҳузуримга келди. Мен аёлга учта хурмо бердим. У қизларига биттадан хурмо берди, ўзи учинчисини емоқчи бўлиб энди оғзига олиб борган эди, қизлари унга яна қўл чўзишди. Шунда аёл ўзи емоқчи бўлиб турган учинчи хурмони иккига бўлиб уларга берди. Мен аёлнинг қилган ишидан жуда ажабландим. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам келганларида бу воқеани айтиб бердим. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Аллоҳ таоло аёлга ана шу иши сабабли жаннатни вожиб қилди ёки уни дўзахдан қутқарди»,- дедилар. Бошқа бир ривоятда: «Ким мана шу қизлар билан имтиҳон қилинса (синалса), бас, уларга яхшилик қилса, улар у учун дўзахдан парда бўладилар»,- дедилар. Бухорий ва Муслим ривояти. (Одатда қиз фарзанд ўғилга нисбатан унчалик суюкли бўлмагани учун ҳадисда қизларга нисбатан "имтиҳон қилинса, балоланса" калималари истеъмол қилинган ва уларга яхшилик қилишнинг ажри ҳам баён қилинган).

Ҳадисдан олинадиган сабоқлар

1) Оиша розияллоҳу анҳо раҳм-шафқатли ва эҳсон қилишни яхши кўрадиган аёл эдилар. Бошқа бир ривоятда уйда фақатгина бир дона хурмо бўлгани ва уни ўзига қолдирмай бечора аёлга илиниб бергани зикр қилинади. Бир сафар Муовия розияллоҳу анху Оиша розияллоҳу анҳога юз минг дирҳам жўнатди. Оиша розияллоҳу анҳо уни қўлига ҳам олмасдан туриб мискину муҳтожларга тарқатиб юбордилар.

2) Фарзандларга -хусусан қизларга- яхши муомалада бўлмоқ фазилатли амалдир. Баъзилар қиз

туғилса, хафа бўладилар. Бу нотўғри. Аллоҳ таоло қиз туғилишини ёмон кўрган жоҳилият аҳлини қоралади:

«Қачон бировларига қиз (кўргани ҳақида) хушxabар берилса, ғазабга тўлиб, юзлари қорайиб кетар. Ва У (қизни) хўрлаган ҳолида олиб қолиш ёки (тириклай) тупроққа қориш (тўғрисида ўй суриб), ўзига хабар берилган нарсанинг (яъни қизнинг), ёмонлигидан (номус қилиб) одамлардан яшириниб олур. Огоҳ бўлингизким, (улар бу қилмишлари билан) энг ёмон (яъни ноҳақ) ҳукм чиқарурлар». (Наҳл: 58, 59)

Восила ибн Асқаъ деди: «Аллоҳ таолонинг аёл зикрини эркақдан олдин келтириши аёлларнинг баракотли ва бахтли эканига далолат қилади:

«У Ўзи хоҳлаган кишига қизларни ҳадя этур ва Ўзи хоҳлаган кишига ўғилларни ҳадя этур».(Шўро: 49)

«Абу Ҳамза деган киши бир аёлга уйланади. Аёлдан қиз туғилади. Бунга Абу Ҳамзанинг жаҳли чиқиб, уйдан чиқиб кетади. Орадан бир йил ўтгач аёлининг уйи ёнидан ўтиб кетаётиб аёлининг қизига айтаётган хиргойисини эшитиб қолади.

«Абу Ҳамзага нима бўлди, бизникига келмайди, унга ўғил туғиб бермаганимиз учун ғазаб қилиб кўшни уйда яшайди. Ахир бизда ихтиёр йўқ-ку. Биз Аллоҳ нимани берса, шуни оламиз. Бизнинг мисол ер кабидир. Экилган нарсани ўстирамиз, холос». Буни эшитган, Абу Ҳамзанинг оталик меҳри тутиб кетди. Уйга кириб, қизининг ҳам, хотинининг ҳам пешонасидан ўпди.

3) Баъзи ота-оналарнинг ўғилни афзал кўришларига сабаб, ўғил бола қиздан кўра

фойдалироқ деб ўйлайдилар. ҳар доим ҳам шунака бўлавермайди. Баъзан ўғил боладан кўра қиз боланинг ота-онага яхшилиги кўп бўлади.

«Ота-оналарингиз ва фарзандларингиз қайси бири сизга фойдаси тегувчироқ эканини билмайсиз». (Нисо: 11)

Исломдан олдин арабларда қизларга адолатсизлик билан муомала қилинарди. Ислом қизларни ҳурмат қилишга тарғиб қилди. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам: **«Ким икки қизни балоғатга етгунга қадар қарамоғига олса, қиёмат кунини мен ва у мана бундай деб икки бармоқларини бирлаштирдилар».** Муслим ривояти.

Қизларга қилинган энг катта яхшилик - уларни ифбатли, пок ва ҳаёли қилиб тарбиялаш, уларга солиҳ куёвларни танлашдир. Жаннат ваъдаси ана шундай ота-оналаргадир.

Набий соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг никоҳ хусусида ва аҳли-аёл билан муомала қилишдаги йўлланмалари

Анас розияллоҳу анҳудан ривоят қилинган саҳиҳ ҳадисда Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам: **«Дунёдан менга уч нарса яхши кўрсатилди: Аёллар, хушбўйлик ва хурсандчилигим намозда қилинди»**, - дедилар. Аҳмад ва Насоий ривояти.

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам гоҳо бир кечада ҳамма аёлларини айланиб чиқар эдилар. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламга ўттиз кишининг қуввати берилган. Шунинг учун ҳам Аллоҳ таоло у кишига ҳеч кимга бермаган рухсатни (яъни кўп хотинликни) берди. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам аёллари ўртасида

кунларини тақсимлаб қўйганлар. Бироқ, муҳаббат масаласида бундай дер эдилар:

«Эй, Аллоҳим, бу менинг қўлимдан келган нарсада қилган тақсимотим, қўлимдан келмаганига мени маломат қилмагин». Абу Довуд, Термизий, Насоий ва Ибн Можа ривояти.

Баъзи ривоятларда бу тақсимотдан мурод «Жимоъ» ва «Муҳаббат» дейилган. Шунинг учун ҳам бу икковида адолат қилиш вожиб эмас. Чунки бу одамнинг қўлидаги нарса эмас.

Ҳадисдан олинадиган сабоқлар

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам Умматнинг энг кўп хотинли кишилари дир. Ибн Аббос: **«Уйланинглар! Чунки бу Умматнинг энг яхшиси - кўп хотинлилари дир»**, - дерди.

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам хотинларидан бирини талоқ қилиб, сўнг қайтариб олган, «ийло»^[2] ҳам қилган. Лекин Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам «Зихор»^[3] қилган эмаслар.

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам хотинлари билан чиройли хулқ ва гўзал муомалада бўлганлар.

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам ансорларнинг қизларини Оиша розияллоҳу анҳо ёнига киргизиб юборар эди. Агар улар ўйнаётган ўйин ёмон бўлмаса Оиша розияллоҳу анҳога ҳам рухсат берардилар. (Чунки, Оиша онамиз ёш қизча бўлганлар)

Агар Оиша розияллоҳу анҳо бир идишдан ичса, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам Оиша лабини қўйган жойга лабини қўйиб ичар, гўшт есалар Оиша тишлаган жойдан тишлар эдилар.

Оиша розияллоҳу анҳо ҳайз кўрганда ҳам Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам унинг кучоғига бош қўйиб Қуръон ўқир эдилар.

Оиша розияллоҳу анҳо ҳайз кўрганида ҳам Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам уни кучоқларига олиб ётганлар.

Масжиддаги ҳабашларнинг ўйинини томоша қилдиришлари, сафарга чиққанларида Оиша билан икки марта чопишда мусобақа қилганлари буларнинг ҳаммаси Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг аёллари билан чиройли муомалада бўлганиларига далолат қилади.

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам сафар қилсалар хотинлари орасида қуръа ташлар эдилар. Қуръа қайси аёлларига чиқса, у Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам билан сафар қилар эди.

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам: **«Сизларнинг яхшиларингиз ўз оиласига яхши муомала қилувчингиздир. Мен эса сизларнинг орангиздаги ўз оиласига энг яхши муомала қилувчиман»**- дер эдилар.

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам аср намозидан кейин аёлларининг уйига кириб ҳаммаларидан ҳол сўраб чиқар эдилар. Кеч киргач, кимнинг навбати келган бўлса, ўшаникида қолар эдилар.

Оиша розияллоҳу анҳо айтади: «Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам ҳаммамизни бирдек кўрар эдилар, баъзан ҳаммамизни бир кунда айланиб чиқар эдилар.

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам Оиша розияллоҳу анҳо учун бир кун ажратган эдилар.

Савда ёши ўтиб қолганлиги учун ўз навбатини Оишага берганди.

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам аёллари билан кечанинг аввалида ёки охирида яқинлик қилардилар. Кўпинча ғусл қилиб, баъзан таҳорат қилиб ётар эдилар.

Гоҳида бир ғусл билан ҳамма хотинларини айланиб чиқар, гоҳида эса ҳар бирининг ҳузурида ғусл қилар эдилар.

Агар сафардан қайтсалар, уйга тунда кирмас эдилар.

Анас розияллоҳу
анҳудан: **«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам (сафардан келсалар) аҳлларига кечаси кирмасдилар. Кечаси келсалар, эртасига кирардилар».** Бухорий ривояти.

«Агар сизлардан бирингиз сафардан тунда келса, уйга кирмасин. Аёли ювиниб тараниб олишга улгурсин». Муслим ривояти.

Яъни киши уйига тўсатдан кирмасин. Аёлининг хушбўйланиб, тайёрланиб туришга вақти бўлсин.

Аллоҳ таоло мени ҳам, сизларни ҳам Набий соллаллоҳу алайҳи ва салламдан яхши намуна олишга насиб этсин ва Ўзининг улуғ ховлиси - Жаннатда барчамизни жамласин. Омийн.

آخِرُ دَعْوَانَا أَنِ الْحَمْدُ لِلَّهِ رَبِّ الْعَالَمِينَ

^[2] Ийло – киши ўз хотинига маълум муддатга яқинлик қилмасликка аҳд қилишидир. Агар ийло тўрт ойдан ошса, бир талоқ тушади.

^[3] Зиҳор – киши хотинининг баданини онасининг бадани каби ҳаром қилиб олиши.

